

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ**  
**JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS**

**Абдикаримова Зухра Бахрамовна,**

ТДИУ магистр



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-3-6>

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК**  
**МУНОСАБАТЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АСОСИЙ**  
**БЕЛГИЛАРИ**

**Аннотация:** мақолада давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тушунчасининг халқара доирада ишлатилиши, ушбу тушунча юзасидан берилган таърифлар батафсил таҳлил қилинади. Шунингдек, давлат хусусий шерикчилик, ижтимоий тадбиркорлик ва давлат ижтимоий шерикчилик тушунчаларининг фарқли жихатлари кўрсатиб ўтилади. Берилган таърифларни ўрганиш орқали ушбу муносабатларнинг асосий хусусиятлари аниқланади.

**Калит сўзлар:** давлат-хусусий шерикчилик, шерикчилик муносабатлари, хусусий сектор, инфратузилма, давлат хизматлари.

**Abdikarimova Zukhra Bakhrumovna**

Master student of TSU

**THE CONCEPT OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP AND**  
**ITS MAIN FEATURES**

**Abstract:** the article deals with the use of the notion of public-private partnerships in the international context, and the definitions of this concept are analyzed in detail. In addition, the article provides a distinctive set of concepts of private partnership, social entrepreneurship and state social partnership. The basic characteristics of this relationship are determined by studying the given definitions

**Keywords:** public-private partnership, partnership relations, private sector, infrastructure, public services

**Абдикаримова Зухра Бахрамовна**

магистрант ТГЭУ

**ПОНЯТИЕ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО**  
**ПАРТНЕРСТВА И ЕГО ОСНОВНЫЕ ПРИЗНАКИ**

**Аннотация:** в статье рассматривается использование понятия государственно-частного партнерства в международном контексте, и определения этой концепции подробно анализируются. Кроме того, в статье представлен особый набор концепций частного партнерства, социального

03/2019

предпринимательства и государственного социального партнерства. Основные характеристики этого отношения определяются путем изучения приведенных определений.

**Ключевые слова:** государственно-частное партнерство, партнерские отношения, инфраструктура, государственные услуги

**For citation:** Abdikarimova Zukhra. THE CONCEPT OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP AND ITS MAIN FEATURES. 2019, 3 vol., issue 1, pp. 37-44

## Кириш

**Ю**қори иқтисодий ўсиш даражаларига эришиш ва қудратли иқтисодиётни барпо этишда замонавий инфратузилманинг мавжудлиги муҳим заруриятлардан бири ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатлар учун иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларини тўлиқ қувватда ривожлана олмаётганининг асосий сабабларидан бири молия, транспорт ҳамда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ҳолатининг қониқарли даражада эмаслигидир. Шу билан бир қаторда ушбу инфратузилмаларни молиялаштиришда давлат бюджети билан боғлиқ турли муаммоларга дуч келинаётганлини кузатиш мумкин. Шу сабабдан, дунёнинг замонавий манзарасида кўплаб мамлакатларда инфратузилма тизимини ислоҳ қилиш, шунингдек, янги объектларни барпо этиш ва молиялаштиришнинг янги манбаларини излаб топишда давлат-хусусий шерикчилик муносабатларига эҳтиёж сезмоқда.

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни (таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт ва бошқалар) амалга ошириш мақсадида давлат томонидан хусусий тадбиркорлик субъектларининг танлов асосида ёлланишидир.

Ушбу ҳамкорлик муносабатлари давлат учун ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилиш, ижтимоий объектларни қуруш, давлат хизматларини амалга оширишда ва бошқа кўплаб имкониятларнинг мавжудлиги туфайли ўзининг жозибadorлигини кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда яқинда бу тушунча ҳукумат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида шаклланган "инновацион шерикчилик" номи билан атала бошланишининг сабаби ҳам айнан шунда эканлигини изоҳлаш мумкин.

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тушунчаси Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги тушунчалардан бири бўлиб, ушбу муносабатларни чуқурроқ ўрганиш ва улардан фойдаланиш мамлакатнинг келгуси ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнашини эътироф этиш мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) муносабатлари халқаро ташкилотлар ҳамда кўплаб олимлар томонидан ўрганилган, механизмлари ишлаб чиқилган бўлишига қарамасдан, ҳар бир давлатнинг ушбу тизимни амалга оширишда алоҳида ёндашуви мавжуд. Жумладан, қуйидагилар ДХШни алоҳида тадқиқотларда ўрганишган (1 ҳамда 2 жадвалларда кенг ёритилган):

БМТ томонидан "ДХШ - давлат сектори томонидан ишлаб чиқариладиган ва тақдим қилинадиган хизматларни молиялаштиришни, режалаштиришни, амалга ошириш ва объектларни ишлатишни мақсад қилиб қўяди ва унинг асосий хусусиятлари хизматларни узоқ муддатли тақдим қилинишини таъминлаш (баъзан 30 йилгача), рискларни хусусий инвесторга ўтказиш, давлат ва маҳаллий тузилмалар билан ҳуқуқий шахсларнинг кўп қиррали узоқ муддатли шартнома шакллари амалга оширилиши билан фарқланади" деб таъриф берилди[3].

Б.Е.Сазановнинг "Государственно-частное партнерство" мавзусидаги докторлик диссертациясида ушбу мавзуда илмий изланишлар олиб борган 400 га яқин олимларни фаолият соҳалари бўйича кўрсатиб ўтилган[1].

### 1-жадвал

#### Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тушунчасига халқаро ташкилотлар томонидан берилган таърифлар:

№	Халқаро ташкилот номи	Берилган таъриф
1.	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти	ДХШ – давлат сектори томонидан ишлаб чиқариладиган ва тақдим қилинадиган хизматларни молиялаштиришни, режалаштиришни, амалга ошириш ва объектларни ишлатишни мақсад қилиб қўяди ва унинг асосий хусусиятлари хизматларни узоқ муддатли тақдим қилинишини таъминлаш (баъзан 30 йилгача), рискларни хусусий инвесторга ўтказиш, давлат ва маҳаллий тузилмалар билан ҳуқуқий шахсларнинг кўп қиррали узоқ муддатли шартнома шакллари амалга оширилиши билан фаркланади[3].
2.	Европа Инвестицион Банки	Давлат ва хусусий шерикчилик муносабатлари бу - ҳокимият ва хусусий сектор ўртасида хусусий сектор ресурслари ва имкониятларини жамоат товарлари ва хизматларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган муносабатлар мажмуидир[4].
	Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ, ингл. ОЕСД – <i>Organisation for Economic Co-operation and Development</i> )	Ҳукумат ва бир ёки бир нечта хусусий шерикларнинг (ўзаро бажарувчи ёки молиялаштирувчи ташкилот бўлиши мумкин) ўзаро келишуви бўлиб, унга биноан шериклар хизматларини шундай тақдим этилишини таъминлайдики, бунда давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олиш мақсадлари ўзаро муштарак бўлади ҳамда мазкур алоқанинг самарадорлиги хусусий шерикка рискларни қандай тақсимланганлигига боғлиқ[5].
	Жаҳон банки	ДХШ- давлат ва хусусий шерик ўртасидаги узоқ муддатли шартнома шакли бўлиб, давлат хизматларини етказиб бериш юзасидан хусусий сектор маълум кўринишдаги таваккалчилик хатари ва бошқарув мажбуриятини ўз бўйига олади[6].
	Осиё тараққиёт банки	ДХШ – атамаси инфратузилма ёки бошқа хизматлари кесимида ижтимоий ва хусусий ташкилотлар ўртасидаги мумкин бўлган барча муносабатлар диапазонини фодалайди[7].
	Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий-ижтимоий комиссияси <i>Economic and social Commission of the United Nations for Asia and Pasific</i>	Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари инфратузилма билан боғлиқ хизматларни кўрсатишнинг миқдор жиҳатдан кўпайиши ва сифат жиҳатдан яхшилаш борасидаги давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатлар мажмуи. Ҳамкорлар, коида бўйича, инфратузилма лойиҳаларини бошқариш ва реализация қилиш бўйича мажбуриятларни тақсимлаш бўйича келишувнинг юридик ва бошқа турдаги механизмларидан фойдаланадилар. Мазкур ҳамкорлик томонларнинг ресурслар, таваккалчилик, жавобгарлик ва фойдани бўлиши борасидаги ваколатларига асосланган[8].

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур мақолада тадқиқот методларидан синтез, таққослаш, дедукция ва абстракциялаш усулларидан кенг фойдаланилди.

Жумладан, анализ ҳамда қиёсий таҳлил усуллари ёрдамида турли халқаро ташкилотлар, олимлар ҳамда мамлакатларнинг давлат-хусусий шерикчилигига берилган таърифларни кенг ўрганиш ва қиёслаш имкониятига эга бўлдик.

**Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тушунчасига МДХлик ва Европалик олимлар томонидан берилган таърифлар:**

№	Тадқиқотчининг номи	Берилган таъриф
1.	Е.А.Махортов ва А.С.Семченков	ДХШ- давлат ва бизнес ўртасида турли хил шаклда амалга оширилувчи (ишни бажаришга қаратилган шарномадан бошлаб, давлат ва бизнес уюшмаларининг маслаҳатлашуви билан якунланади) ўзаро манфаатли шароитдаги, ўрта ва узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатлари ва ушбу ҳамкорликдан асосий мақсад ижтимоий-сиёсий масалаларни миллий, минтақавий ва маҳаллий даражада хал қилишдан иборат[9]
2.	А.К.Чонка	Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг энг кенг тарқалган тушунчаси бу тадбиркорлик субектларининг давлат ва ижтимоий ҳаётга ихтирий таъсирлар механизми- хусусий компаниялар ва хусусийлаштиришни субсидиялаш юзасидан вужудга келадиган хайриялар ва ижтимоий маъсулятлар тушунилади. ДХШ- давлат ва хусусий сектор ўртасидаги жавобгарлик ва таваккалчиликни тақсимлаш имконияти орқали ижтимоий инфратузилма ва давлат хизматларини тақдим этиш жараёнини тартибга солиш борасида юзага келадиган ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларидир[1].
3.	В.В.Максимова	ДХШ-инвестицион лойиҳаларни хусусий реализация қилишга йўналган, асосида зарурий ташкилий, молиявий, ишлаб чиқариш ва бошқа таваккалчилик хатарини бўлишишга ва томонларнинг маълум бир натижага эришишни таъминлашга қаратилган ҳамкор томонларнинг ўзаро муносабатлар тизимининг юридик тасдиқланган шакли ҳисобланади[1].
4.	В.Г. Варнавский, А.В. Клименко ва В.А. Королев	Давлат ва бизнес шерикчилик муносабатлари - давлат ва жамоатчилик мулки объектлари, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва жамоатчилик идоралари, муассаса ва корхоналари томонидан ижро этилувчи ва кўрсатилувчи хизматларга нисбатан давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро таъсирнинг юридик жиҳатдан мустаҳкамланган шакли[11].
5.	М.Дерябина	ДХШ- давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро институционал ва ташкилий иттифоқи бўлиб, унинг мақсади мамлакат ва унинг ҳудудлари миқёсида стратегия муҳим тармоқларни ривожлантиришданто ижтимоий хизматларни тақдим этишгача бўлган вазибаларни адо қилишдир[12].
6.	С.С.Трачука	Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари-давлат ва бизнеснинг молиявий, ҳуқуқий, ижтимоий ва сиёсий омилардан ташкил топган институционал ва ташкилий альянси бўлиб, ушбу муносабатлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги стратегик вазибаларни хал қилишга йўналтирилган, иқтисодиётни устувор тармоқларини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шароитларни шакллантиришга руҳсат беришдан иборат[1].
7.	Н.К. Yong	Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари давлат ва хусусий шерик ўртасидаги узоқ муддатли коммерцион шериклик шакли бўлиб унинг устун жиҳати хусусий капитални кенгрок доирада жалб қилиш имкониятини беради[13].
8.	Сильви Троза	Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари кенг маънода давлат хизматларини қисман ёки тўлиқ бажариш мақсадида, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги бирлашмаларнинг барча кўринишларини ўз ичига олади[1].

**Тахлил ва натижалар.** "Давлат - хусусий шерикчилик" атамаси дастлаб 1950 йилда АҚШда таълим дастурларини бажаришда давлат сектори ва хусусий сектор ўртасидаги бирлашма тарзда юзага келди. 1960 йилдан бошлаб ушбу муносабатлар АҚШда кенг муомалада ишлатила бошланди. "Давлат - хусусий шерикчилик"

атамаси 1992 йилда Буюк Британияда хусусий-молиявий ташаббус концепсияси эълон қилингандан сўнг, давлат мулкани бошқаришнинг янги усули сифатида эътироф этилган[2].

### 3-жадвал

#### Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тушунчасига турли мамлакатлар томонидан қабул қилинган қарашлар:

№	Давлатларнинг номи	Келтирилган таъриф:
1.	Америка Қўшма Штатлари	ДХШ – анъанавий иштирокига нисбатан хусусий шерикка давлат билан муносабатларда кўпроқ иштирок қилишига имкон берувчи шартномавий келишув бўлиб, мазкур келишув одатда ҳокимият органи билан хусусий компания ўртасида модернизациялаш, қурилиш, ишлашти, муайян объектни ва тизимни сақлаш ёки бошқаришни назарда тутади[14].
2.	Россия Федерацияси	ДХШ-давлат ва хусусий сектор ўртасидаги давлат-хусусий шерикчилик лойиҳаларини реализация қилишга йўналтирилган ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатлари ҳисобланиб унинг асосий мақсади томонлар ўртасида таваккалчиликни тақсимлаш ва хусусий ресурсларни жалб қилиш орқали давлат-ҳуқуқий тузулишни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, давлат хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш даражасини кўтариш масаласига эришишдан иборат[1].
3.	Буюк Британия	Давлат ва хусусий шерикчилик муносабатлари давлат ва хусусий шерикнинг ўзаро манфаатли доирадаги келишув шакли бўлиб, хизматлар ва инфратузилмани кетказиб бериш юзасидан давлат ва хусусий сектор тўқнашадиган ҳар қандай ҳамкорлик шакли[13].
4.	Австралия	Лойиҳалаш ва конструкциялаш билан боғлиқ бошқа инфратузилма хизматларига қараганда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари узоқ муддатли шартномалар, мажбуриятлар, таваккалчилик хатари ва мукофотларнинг комплекс кўринишини ифодалайди.
5.	Япония	Мамлакатда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадиди фуқароларга сифатли хизматларни етказиб бериш борасида хусусий шерикнинг молиялаштириш, бошқарув ва техник имкониятларидан фойдаланиш борасидаги келишув шакли[13].

Ушбу муносабатларни тадқиқ этиш бевосита давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тушунчасининг мазмунини ва у билан боғлиқ бўлган ёндашувларни тўлароқ ўрганиш заруриятини қўяди. Даставвал, ушбу тушунчанинг синонимлари сифатида эътироф этиладиган сўзларни ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бундан шу нарса аёнки, келтирилган таърифлардан, биз, давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг асосий хусусиятлари ва белгиларини аниқлаб олиш имкониятига эга бўламиз.

#### Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари- Public-Private-Partnership (PPP) тушунчасининг жаҳон миқёсидаги синонимлари:

- Инфратузилмада хусусий иштирок - Private participation in infrastructure (PPI)- Жаҳон банки томонидан ва Жанубий Корея PPI дастурларида;
- P3, Шимолий Америкада;
- Хусусий молиялаштирилган лойиҳалар- Privately-Financed Projects (PFP), Австралияда;
- П-Пхамкорлик P-P Partnership, "харид паритети" "purchasing power parity";
- Хусусий-молиявий ташаббус- Private - Finance- Initiative (PFI), тушунча Буюк Британияда вужудга келган бўлиб, Япония ва Малайзия давлатларида ҳам кенг миқёсда қўлланилади.

Давлат ва хусусий шерикчилик муносабатларига хорижий ташкилотлар томонидан берилган таърифларда шерикчилик муносабатларида инфратузилма таъминоти масалаларига кенг эътибор берилади. Турли давлатлар томонидан қабул қилинган қарашларда эса давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг инфратузилмани бошқариш ва молиялаштиришнинг анъанавий шаклиги кўра устунликга эга эканлиги ва хусусий секторнинг бу борада имкониятлари даражасига эътибор қаратилади.

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тушунчасига МДХлик ва европалик олимлар томонидан берилган таърифларда ушбу муносабатларга кенг тўхталиб ўтилган бўлиб, унинг шартномавий характерга эга эканлиги, муносабатларда ҳиссадорлик масалалари, лойихани молиялаштириш ва бошқариш масалалари, таваккалчилик хатарининг тақсимоли масалаларига тўхталиб ўтилади.

Юқорида келтирилган кўплаб таърифлардан шунини тушуниб олишимиз мумкинки, берилган барча таърифларда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тушунчаси юзасидан ягона тўхтама келинмаган. Бу албатта табиий ҳолат ҳисобланиб, биринчидан ушбу муносабатлар ўз табиатига кўра мураккабликлар ва хилма-хилликлар, турли белгилардан иборат бўлса, иккинчидан келтирилган баъзи таърифлар бевосита мавжуд таърифларни синтезлаш натижасида ҳосил қилинган.

Давлат хусусий шерикчилик, ижтимоий тадбиркорлик ва давлат ижтимоий шерикчилик тушунчалари. Давлат хусусий шерикчилик муносабатлари тушунчасининг моҳиятини тушунишда юқорида берилган тушунчалар билан боғлиқ изоҳларга эътижнинг мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Ижтимоий муаммоларнинг сабаблари ва табиати ушбу муаммони ечиш юзасидан инновацион ва тадбиркорликга оид нуқтаи назар билан ёндашишни талаб қилади. Жамият мунтазам равишда, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалаларга оид янгидан янги эҳтиёжларга юз тутиб, бу эса мавжуд эҳтиёжларни қондиришнинг янги йўллари топишни тақоза қилади. Ушбу жараён ўз навбатида янгидан янги ташкилотларни яратишни ёки ушбу хизматларни етказиб беришда бир нечта томонларнинг бириктиришдан ташкил топган шерикчилик асосида амалга оширилиши мумкин. Ушбу муаммоларни бартараф қилишда ижтимоий тадбиркорлик ва давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари ўзининг аҳамиятини кўрсатмоқда. Илмий адабиётлардан маълумки "тадбиркорлик" тушунчасининг жуда кўплаб таърифлари мавжуд. Келтирилган таърифлардан бири Питер Друкер томонидан берилган бўлиб, унга кўра "ҳамиша ўзгаришларни изловчи, уларга ўзининг муносабатини билдирувчи ва ушбу ўзгаришлардан янги имконият сифатида фойдаланувчи шахсларнинг фаолиятини тадбиркорлик фаолияти деб қараш мумкин[15]. Ушбу таърифдан шу нарса аёнки тадбиркорлар жамиятдаги ўзгаришларга инновацион ечим топишда жуда муҳим қатлам ҳисобланади.

Ижтимоий тадбиркорлар - ижтимоий ташкилотларда ёки мақсади фойда олишни кўзламаган ареналарда тадбиркорлик билан боғлиқ ўзгаришларни ёки инновацион усулларни қўлловчи шахслардир. Ижтимоий муаммоларга бефарқ бўлмаган ва уларга инновацион ечим топадиган ташаббускор, тадбиркор шахс. Улар ижтимоий масаларни ҳал қилишни мақсад қилиб олган бўлиб ўз фаолиятини нотижорат ташкилотлар кўринишида амалга оширадилар[16]. Ижтимоий тадбиркорликнинг иқтисодий ва молиявий тузилмаси тургун эмас. Бу тармоқ бошқа манбалардан пул жамғаради, чунки унинг фаолияти давлат, тармоқлар

ва соҳалар томонидан бошқарилади. Тадбиркорлар эса турли тармоқлардаги молиявий ресурсларни қўлга киритишлари ва улардан ижтимоий мақсадлар йўлида самарали фойдаланишлари лозим бўлади. Қисқа қилиб айтиладиган бўлсак, ижтимоий тадбиркорлик нодавлат, ноижорат ташкилотларининг фаолиятини тадбиркорлик усули ёрдамида олиб бориш гоёсидир.

Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шерикчилик тўғрисидаги қонунига кўра давлат ижтимоий шерикчилик муносабатлари- давлат органларининг нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

**Келтирилган тарифларда назарда тутилган фикрлардан давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг асосий белгилари ва хусусиятларини аниқлаб олиш имкониятига эга бўламиз:**

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг асосий белгилари ва хусусиятлари:

- Давлат инфратузилма ва бошқа хизматларнинг хусусий сектор томонидан таъминланишига қаратилган шартномавий келишув;

" Инфратузилма ёки хизматнинг бажарилишининг хусусий сектор томонидан тўлиқ ёки қисман қопланиши;

- Таваккалчилик хатари ва олинган фойданинг томонлар ўртасида тақсимланиши;

- Харажатларни камайтириш ёки натижани максималлаштириш натижасидаги синергетик ҳамкорлик;

- Инвестицияларни жалб қилишнинг юқори даражаси;

- Инновацияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш имкониятларининг юқорилиги;

- Молиявий чекловларнинг осонлашиши ва пул маблағларидан самарали фойдаланиш имконияти;

- Инфратузилма ва хизматларнинг қисқа муддат ичида етказиб берилиш имкониятининг мавжуд эканлиги;

**Хулоса**

**Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тушунчаси қуйидаги асосий элементлардан ташкил топади:**

1. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро шерикчиликнинг ҳар қандай кўриниши;

2. Шерикчиликнинг мақсади сотциал ва иқтисодий инфратузилмани яратиш, модернизациялаш ва самарали фойдаланишни ифодалайди;

3. Хизматларни молиялаштириш, лойиҳалаштириш, таъмирлаш, бошқариш ва назорат қилишнинг асосан хусусий сектор томонидан амалга оширилиши.

Шундан келиб чиққан ҳолатда, ДХШ- давлат томонидан таъминлаб келинаётган инфратузилма хизматлари ва янги инфратузилмани яратиш, модернизациялаш ва самарали фойдаланиш мақсадида молиялаштириш, лойиҳалаштириш, таъмирлаш, бошқариш ва назорат қилишни таъминловчи хусусий сектор ва давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикчилик ҳар қандай кўриниши ҳисобланади. Келтирилган таърифлардан шу нарса аёнки, давлат-хусусий шерикчилик

муносабатларини ривожлантириш ҳар бир давлатнинг иқтисодий бюджетининг чекланганлик шароитида ва аҳолининг хизмат кўрсатиш сифати ва нормал ҳаёт кечиришга бўлган талабининг чексизлик ҳолатида мамлакат иқтисодийи учун асосий вазифа бўлиб қолади. Шерикчилик муносабатларининг ҳамоҳанглигини таъминлаш мамлакатдаги муҳим ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин.

## References:

1. Б.Е.Сазонов. Государственно-частное партнерство. Докторская диссертация. Москва 2012 . [www.pppi.ru](http://www.pppi.ru) (B.E. Sazonov. State-private partnership. Doctoral dissertation. Moscow 2012. [www.pppi.ru](http://www.pppi.ru))
2. Public-Private -partnership. Principles of policy and finance. E.R. Yescombe. Copyright © 2007, Yescombe Consulting Ltd. Published by Elsevier Ltd.
3. Практическое руководство по вопросам эффективного управления в сфере ГЧП/ Организация Объединенных Наций. - Нью-Йорк и Женева, 2008. ISBN: 978-92-1-4160403 (A practical guide on good governance in the field of PPP / United Nations. - New York and Geneva, 2008. ISBN: 978-92-1-4160403)
4. The EIB Role in Public-Private Partnerships. European Investment Bank. Luxembourg, 2004. [www.eib.org/Attachments/thematic/eib\\_ppp\\_in.pdf](http://www.eib.org/Attachments/thematic/eib_ppp_in.pdf)
5. Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010.
6. World Bank Institute. Definition of public-private partnership. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)
7. Public-Private Partnerships Handbook. Asian Development Bank. 2006.
8. A guidebook on public-private partnership in infrastructure/ Economic and social Commission for Asia and Pacific. - Bangkok: UNESCAP, 2011. P-76. [www.unescap.org](http://www.unescap.org)
9. Е.А.Махортов, А.С.Семченков. Государственно-частное партнерство как форма отношений власти и бизнесав России/[http://lobbying.ru/index.php?article\\_id=2359&link\\_id=16](http://lobbying.ru/index.php?article_id=2359&link_id=16) >.- 25.01.2008. (Ye.A. Makhortov, A.S. Semchenkov. Public-private partnership as a form of government and business relations in Russia / [http://lobbying.ru/index.php?Article\\_id=2359&link\\_id=16](http://lobbying.ru/index.php?Article_id=2359&link_id=16) >.- 25.01.2008.)
10. Д.М.Амуниц. Государственно-частное партнерство. Концессионная модель совместного участия государства и частного сектора в реализации финансовоёмких проектов-2005. С.16-24 (D.M. Amunts. State-private partnership. Concession model of joint participation of the state and the private sector in the implementation of financially intensive projects-2005. P.16-24)
11. Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарий услубий масалалари. "Иқтисодийта инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 3, 2017 (Djumaniyazov U.I. Some theoretical issues of corporate governance development based on public-private partnerships. Scientific Electronic Journal "Economics and Innovative Technologies". No. 3, 2017)
12. Дерябина М. Государственно-частное партнерство: теория и практика/ М. Дерябина // Вопросы экономики. - 2008. - №8. С. 61-77 (M. Deryabina. Public-Private Partnership: Theory and Practice / M. Deryabina // Voprosy Ekonomiki. - 2008. - №8. С. 61-77)
13. Н.К. Yong. Public-Private Partnerships Policy and Practice. A Reference Guide, Commonwealth Secretariat 2010
14. Report to Congress on Public Private Partnerships. U.S. Department of Transportation, Federal Highway Administration, December 2004. p. 10.
15. Social entrepreneur, social entrepreneurship and social enterprise: semantics and controversies. Francesca Petrella. Aix Marseille Universit?, France. <https://www.cairn.info/revue-journal-of-innovation-economics-2014-2-page-143.htm>
16. Social entrepreneurship and local economic development. Ronald W. McQuaid. Article. Presented to Regional Studies Association conference 22 November 2002.
17. Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида" ги Қонуни [www.lex.uz](http://www.lex.uz) (The Law of the Republic of Uzbekistan "On Social Partnership" [www.lex.uz](http://www.lex.uz))